

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 3 август, № 152 (5572)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг бўлиниш конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатағон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турайдиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилаётган.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далolat берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақоми муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал қарорларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Кўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб: умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шартлоари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг судьялари хизмат ва-

зифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олиннадиган солиқ тўловидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериши, шунингдек, тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлимлар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкласини, туманларо судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самардорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б. А. Коканбаев зиммасига юклатилсин.



Бугун қадимий ва навқирон Бухорода бўлсангиз, ҳар жабҳада ана шундай фидойиллик намуналарининг гувоҳига айланасиз. Зеро, ушбу табаррук замин ўтган йиғирма бир йил давомида ўзгача қиёфа касб этди. Вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги раванқ топти. Инфратузилма ривожланди. Таълим, тиббиёт, спорт соҳаларида катта ютуқларга эришилди. Бундай беқиёс ўзгаришлар замирида, албатта, жонқур ва ташаббускор бухороликларнинг меҳнати, шижоати муҳассам. Юртбошимиз “Заҳматқаш



Истиқлолнинг ҳар бир йили юртимиз тарихида ўзига хос ёрқин из қолдирмоқда. Бу даврда эришилган улкан муваффақиятларимиз тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланаётир. Ватанимизни янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон этиш — энг улуг мақсадимиз.

Бухоро: Бунёдкорлик шижоати

юртимизнинг тенгсиз жамолида, турмушимиз фаровонлигида яққол ифодасини топмоқда

ва бағрикенг Бухоро аҳли билан, томирида ота-боболаримизнинг шижоати жўш урган, юз-кўзида илм-маърифат зийси акс этиб турган бу юрт фарзандлари билан учрашиш, улар билан суҳбатда бўлиш менга доимо катта мамнуният баҳи этади”, деганлари бежиз эмас. Истиқлолимизнинг 21 йиллик тўйи яқинлашиб келаётган айни кунларда вилоятда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янада авж олган.



Миллий дастур низолатлари

Мамлакатимиз истиқболи кўп жиҳатдан истиқлолнинг дастлабки кунлариданок ёшларимизни баркамол вояга етказиш, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш йўлида қабул қилинган умуммиллий дастурлар ҳамда бу борда амалга оширилаётган хайрли ишлар билан бевосита боғлиқ. Кечаги коллеж ўқувчиси бугун иқтисодий тизим ривожига ҳисса қўшаётган тадбиркор, инновацион ғояларни ҳаётга дадил татбиқ этаётган илгор мутахассис...

Ҳамкорликнинг амалий натижалари

Зеро, бунёд этилган минг-лаб замонавий мактаб, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олган ёшларимиз бугун чин маънода ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда.

Ушбу мулоҳазаларимиз муболаға эмаслигини исботловчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, шу йил февраль ойида пойтахтимизда “Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишининг энг муҳим шарт” мавзусида ташкил этилган халқаро анжуман қатнашчиларининг деярли барчаси юртимизда таълим-тарбия жабҳасида амалга оширилган янгилинишлардан ҳайратга туширилмади.

Жумладан, халқаро тадбирда қатнашган Лиссабон университетининг проректори Луиза Сердейра ўз мулоҳазаларини қуйидагича изҳор этди: “Очигини айтиш керак, бугунги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳам таълимчи сармоя ажратиш, уни модернизация қилиш каби масалалар четда қолмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда юртимизда Президент Ислам Каримов томонидан навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари учун катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани таҳсинга сазовор. Биргина мисол: ўғил-қизларнинг замонавий ўқув даргоҳларида билим олишлари, ўзлари ёқтирган касбу корни эгаллашлари учун давлат бюджетидан

...“Кўҳна ва боқий Бухоро” маданий марказида. Бугунги кунда ушбу маскан гавжум сайилгоҳга айланган. Ранг-баранг чироқлар ёғдусида бу ерда қад ростлаган театр биноси янада салобатли кўрилади. Буюк аждодларимиз хотирасига тикланган монумент атрофидаги фаворалар киши руҳиятини сокинлаштириб, ажиб ором бахш этади. Бог оралаб чопқиллаб юрган болалар, бахтиёр ёшлар нигоҳида қувонч, нуруний отахонлар юз-кўзларида эса тинч ва осуда ҳаётга шукроналик туйғуси акс этиб турибди. Марказ кўҳна шаҳарга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳларда ҳам улкан таассурот қолдирмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган, юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган ушбу сўлим гўшага ҳаргал келганимизда, шукроналик ҳиссини туяман, — дейди “Нуруний” жамғармаси шаҳар бўлими раиси Ориф Ҳўжаев.

Сўлим ошён ёғдуси

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ гўшалар обод этилди. Аглома кириллик йилларида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ гўшалар обод этилди. Аглома кириллик йилларида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ гўшалар обод этилди. Аглома кириллик йилларида муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ гўшалар обод этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон аҳоли соғлигини сақлаш борасида улкан муваффақиятларга эришмоқда

— Юртимизда аҳоли соғлигини сақлашнинг ноёб тизими яратилган. Бугунги молиявий-иқтисодий инқироз даврида давлат томонидан бундай катта ғамхўрлик кўрсатиш тоғ маънода эътирофга лойиқ. Бинобарин, юртингиз дунёдаги энг нуфузли — “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) халқаро ташкилотининг томонидан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича тузилган жаҳон рейтингинида энг илгор ўнгла давлат сафидан ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, минглаб тадқиқотчилар томонидан 161 мамлакатда ўтказилган ҳолис ўрганишларда тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, уларнинг самардорлик даражаси каби муҳим кўрсаткичлар чуқур кўриб чиқилди. Ўзбекистон ушбу натижалар бўйича тўққизинчи ўринни эгаллаб, дунёнинг кўпгина энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдиргани эътиборлидир.

Но БО КИМ, “Save the children” халқаро ташкилоти филиали ваколатхонаси бошлиғи (Жанубий Корея).

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 2 август

БИР РАҚАМ
ШАҲИ

Жорий йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда қурилиш ишлари

8,6 фойзга ўсди.

Замонавий иншоотлар, муҳташам қошоналар

Шаҳару қишлоқларимизда замонавий иншоотлар, муҳташам қошоналар, кўркам тураржойлар, раvon йўллар, қўйинги, жонажон юртимизнинг жамолига тобора улғуворлик касб этаётган иморатлар барпо этиш кўлами янада кенгайтирилгани, аҳоли ва қурилиш ташкилотларининг бунёдкорлик материалларига нисбатан эҳтиёжи узлуксиз таъминлангани бунда муҳим омил бўлди.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ
АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ
КОМПАНИЯСИ



Темир йўлчилар кўни

муносабати билан тизимнинг барча ишчи-хизматчиларини,
ходимларини қутлар экан, уларга мустаҳкам соғлиқ,
бахту саодат, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонларига қут-барака, эзгу ва хайрли ишларида
муваффақиятлар тилайди.



Жонажон Ватанимиз
тараққиёти йўлидаги фидокорона
меҳнатингиз янгидан-янги
зафарларни баҳиш этаверсин!

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

**ЕНГИЛ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ШИНАЛАРНИ ЕТКАЗИБ
БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер куйидаги манзилда бўлиб ўтади:
**Ўзбекистон Республикаси, 100070,
Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

Тендер ҳужжатларини харид қилиш учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(8-10-99871) 281-46-70, 256-39-03, 255-75-12. Факс: (8-10-99871) 281-46-70.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

Тендерда қатнашиш учун керакли ҳужжатларни топшириш муддати — 2012 йил 5 сентябрь соат 17.00 гача.

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЧЕТ ЭЛГА КЕТАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ЖЎНАБ КЕТИШДАН ОЛДИНГИ МОСЛАШТИРИШ ВА ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда
Япониянинг Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик уюшмаси (JITCO) ўртасида имзоланган
эркин ёллаш тизими ҳақидаги Меморандумга мувофиқ, Япония томонининг талаблари асосида
жорий қилинган

**япон тили ўқув курсларига
ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Ўқув курсларида қатнашувчи фуқароларга бўлган талаблар:
— ёши 18 га тўлган;
— камида ўрта махсус маълумотга эга бўлиши шарт.

Ўқув маркази Японияга кетиш
ёки ишга жойлаштириш
қафолатини бермайди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй.
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 246-07-13, 246-07-52.

Марказ маъмурияти.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти
филиали

**бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан, ФИБ Денов туманлараро судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-5651-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Гулистон кўчасида жойлашган, 1965 йилда қурилган, умумий ер майдони 71,75 кв.м., жами хоналари 2 та бўлган, 1 қаватли, А литердаги савдо дўкони биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Қизилқум тумани СИБ томонидан, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 3 январдаги 19-1107/15927-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қизилқум тумани, Сарик шаҳарчаси, Рабатмақ маҳалласида жойлашган, «Қизилқум қурилиш Инвест» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 582,58 кв.м., жами хоналари 15 та бўлган, 1 қават (ошхона, қорувулхона, ҳоҷатхона, темир дарвоза, девор тўсиқ ва бетонланган майдон)дан иборат маъмурий бино-иншоот қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 17 383 683 сўм.

III. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан, ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 1-1361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, М. Қорабобов маҳалласи, Ҳамид Олимжон кўчаси, 9-уй, 2-хонадонда жойлашган, майдони 512,30 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1971 йилда қурилган, А, А1, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З литерлардаги яшаш уйи ва қўшимча бинолар билан арзонлаштирилган ҳолда тақроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 14 284 444 сўм.

IV. Шунингдек, аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда тақроран қўйилмоқда:
1. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2011 йил 15 августдаги 1-1439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ибн Сино

кўчасида жойлашган, майдони 47,40 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат А литердаги савдо дўкони биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 33 169 500 сўм.

2. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2011 йил 15 августдаги 1-1439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий шохкўчаси, «Термиз марказий бозори» биносининг 3-қаватида жойлашган, майдони 22,10 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, А литердаги 34-сонли савдо дўкони биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 18 018 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 август кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 16 август кўни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,
Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар
маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш
тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига
таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ
томонидан куйидаги кўчмас мулклар тақроран
қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 30 декабрдаги 11-1134/20400-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 7-уй, 28-хонадонда жойлашган, умумий майдони 154 кв.м. бўлган, 3 қаватли бинонинг 1-қават қисми.
Бошланғич баҳоси — 184 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 13 январдаги 10-1119/20440-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 3. Розий 1-тор кўчаси, 24-уйда жойлашган, умумий майдони 6941 кв.м., 2 та блокдан иборат, 4 қаватли бино-иншоот ва тикув цехидан иборат бўлган кўчмас мулк қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 395 486 494 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 август кўни соат 11.00 да
бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 17 август кўни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:
Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамш к., 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Фарғона вилояти
филиали

**бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан, Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 25 майдаги 15-12-06/18344-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, 12-сонли «Маърифат» МФЙ, Юксалиш (Кувасой) кўчаси, 59-уйда жойлашган, «Фарғона вилояти энерго маркази» ОАЖга тегишли асосий қозонхона (асосий корпус) бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 324 750 930 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь кўни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 5 сентябрь кўни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли шаҳар (туман) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида

бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри,
Бурхониддин Марғинович кўчаси, 35-уй.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

Газета ва Гаветхона

ЮЗМА-ЮЗ



Хорижий давлатларга сайёх сифатида чиқишга кўмаклашувчи туристик фирмаларнинг қонунийлиги ва ишончилигини қандай йўл билан аниқлаш мумкин?

М. ШОКИРОВА, Қанлиқул тумани

Фаолият ишончилигининг кафолати

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунига асосан, сайёхлик ташкилотлари фаолият юриштириш учун махсус лицензия ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлигини кафолатловчи мувофиқлик сертификати оладилар. Ушбу ҳужжатларнинг мавжудлиги сайёхлик фирмаларининг қонунийлигини таъминлайди.

А. ТЕМИРХОДЖАЕВ, «Ўзбекитуризм» миллий компанияси раиси ўринбосари.

Ҳаммаси қонуний асосда бўлади

Пенсия ёшига етганидан сўнг иккинчи гуруҳ ногирони сифатида олиб келаётган нафақа пулини бекор қилиб, менга минимал миқдорда пенсия тайинлашди. Шу ҳолатнинг қай даражада қонуний эканлиги хусусида ташушча берсангиз.

Ж. ТОШАЛИЕВ, Қумқўрғон шаҳри

оидан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади. Пенсия миқдори эса иш стажининг давомийлиги ва иш ҳақи миқдорининг юқорилигига боғлиқ бўлади.

Қонунчиликка кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинди.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғормаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.

Туманимиз марказидаги интернет-кафеларда интернет жуда секин ишлайди. Бирор бир маълумотни олиш ёки кимгадир жўнатиш учун узоқ куттиш лозим. Аммо тўлов соатига қараб олинади. Шу тўғрими?

О. АСЛОНОВ, Кармана тумани



Интернетингизнинг тезлиги қандай?

Интернет хизматлари учун тўлов икки усулда амалга оширилиши мумкин. Яъни вақт бўйича ёки ахборотнинг мегабайти (трафиги) ҳисобида фойдаланилган ҳажми бўйича. Очиғини айтиш керак, интернет-кафенинг ҳар бир мижози учун трафикини ҳисобга олиш доим ҳам қулай бўлмагани боис

хизмат кўрсатувчилар кўпроқ вақтбай усулидан фойдаланишади. Бу кенг тарқалган амалиётдир. Интернет-кафе хизматларидан фойдаланишдан олдин унинг шартлари билан (вақтбай ёки трафик бўйича) танишиб олиш ва калангирини тизлигини билиш керак. Агар вақтбай тўлов билан

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

Профилактика инспектори машинани тўхтатиши мумкинми?


Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддасида ички ишлар идоралари ходимларига шундай ваколат берилган. Унга кўра, профилактика инспекторлари ҳам йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳаракат иштирокчиларини аниқлаши ва маъмурий баённома тузиши мумкин.

Бундан ташқари, профилактика инспектори ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун масъул шахс ҳисобланади.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

Х. МИРЗАХИДОВ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори.

Х. МИРЗАХИДОВ, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори.



Яқинда автомашинамда кетаётган чоғимда участка профилактика инспектори тўхтати ва ҳужжатларимни, машинанинг техник ҳолати, қаерга кетаётганлигини суриштирди. Айтинг-чи, бу ҳодимнинг тугган йўли қонунийми?

Т. МУРОДОВ, Тўрақўрғон тумани

«Нексия», «Матиз» автомобилларидан бошқа маркадаги енгил автомобилларда ҳам йўналишсиз такси хизмати кўрсатиши мумкинми?

Ф. НИШОНОВ, Андижон тумани

«Таксичилик қилмоқчиман»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сонли «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, йўналишсиз такси сифатида енгил автотранспорт воситаларининг барча турларига рухсат этилган.

Ш. ШОВАБОВ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги бошлиғи ўринбосари.

Мерос ҳуқуқи

Вилоятда яшайман. Яқин қариндошим Тошкент шаҳрида истиқомат қилади. Похтаимизда доимий прописида турмасам ҳам қариндошим ўз уй-жойини менга мерос сифатида қолдириши мумкинми?

Ж. БОЗОРОВ, Қўқон шаҳри

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописи қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ, меросга асосан

уй-жойга эгаллик қилиш учун фуқаролардан Тошкент шаҳрида доимий прописида бўлиш талаб этилмаслиги сабабли, улар мерос тариқасида олинган уй-жойга эгаллик қилишлари мумкин.

О. МУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ўринбосари.

Пластик карточка эгаларига қулайлик

Дарҳақиқат, пластик карта эгалари ўз карталаридаги маблағлари ҳисобидан барча турдаги тўловларни исталган банкка мурожаат қилган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Марказий банк ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан 2012 йил 11 апрелда тасдиқланган «Банкларо тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда «Сўм» пластик карточка-

лари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан амал қилиниши

Агарда ушбу нормаларга риоя этмаслик ҳолатларида дуч келсангиз, Марказий банкнинг «Ишонч телефони» (8-371) 236-38-39га мурожаат қилишингиз мумкин.

Ш. ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари.

Фарзандларимиз ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда. Шундай пайтда уларнинг бўш вақтини янада мазмунли ташкил этиш жуда муҳим. Масалан, менинг қизим тўқиш, либосларни моделлаштиришга қизиқади. Уни ана шу юмушларга ўргатиш учун қаерга олиб борсам бўлади?

К. БОҚИЖОНОВА, Паркент тумани

Болангиз таътилни мароқли ўтказсин

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги «Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан «Баркамол авлод» болалар маркази, шунингдек, биттадан вилоят болалар маркази, Қорақалпоғистон Республикасида эса республика болалар маркази ва Тошкент шаҳрида техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология бўйича урта республика болалар маркази фаолияти йўлга қўйилган. Айни пайтда мамлакатимиз бўйича жами 211 та ана шундай марказ ишлаб турибди. Болаларнинг эҳтиёжи ва қизиқишидан келиб чиқиб, уларнинг ижодий ва бадий қобилиятини ривожлантириш, фойдали дам олишини ташкил этиш, меҳнатга ўргатиш, ўлкамиз тарихи, археологик ва маданий ме-

си ҳамда табиий бойликлари билан таништириш, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид билимларини бойитишга кўмаклашиш, энг муҳими, юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш «Баркамол авлод» марказларининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Йил давомида бўлгани каби бундай марказлар ёзги таътил чоғида ҳам барча хоҳловчиларни ўз бағрига чорлайди. Тўғрақлар орасида либосларни моделлаштириш ва тўқиш йўналишлари ҳам бор. Уларда қизларга андоза чизиш, пилта(крючок)да тўқиш ўргатилади. Секин-аста болажонлар ўзлари учун нафис бош кийимлари, устки либослар ҳам тика бошлайдилар.

Сиз бемалол «Баркамол авлод» марказларига мурожаат қилишингиз мумкин.

К. МАВЛОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Баркамол авлод» марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири.

Журналистларга иш ҳақидан ташқари қалам ҳақи (гонорар) ҳам тўланади. У ойлик маошга қирадимми ёки қўшимча даромад ҳисобланадими?

Н. ТОШБОВ, Гулистон тумани

Журналистларга иш ҳақидан ташқари тўланаётган маблағ рағбатлантириш хусусиятига эга тўлов ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддасига асосан, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади ва белгиланган тартибда иш ҳақи сифатида даромад солиғига тортилади.

О. РУСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.

Яқинда маҳаллий интернет сайтларимиздан бирида бундан бўён мамлакатимиздаги барча молия муассасалари ўзларига тегишли бўлмаган пластик карточкалар (бошқа банк пластик карточкалари) учун ҳам хизмат кўрсатишга мажбурдилар, деган мазмундаги хабарга қўзим тушди. Бу аҳоли учун жуда катта қулайлик яратди. Шу ҳақда батафсил маълумот бериб, агар банкларимизда бошқа банк пластик карточкаларини рад этиш ҳолати учраса, кимга мурожаат қилишимиз кераклиги тўғрисида ҳам йўл-йўриқ кўрсатсангиз.

У. ИНОМОВ, Чилонзор тумани



Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутгамиз!

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусоҳахчи — Ҳ. Тошқўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буоқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30 Тошпирилди — 23.30 1 2 3 4 5